

## КОМПОЗИТОР ВА МОХИР ИЖРОЧИ ВАЛЕРИЙ САПАРОВ ИЖОДИДА ТАЛҚИН МАСАЛАСИ

**Мирзохид Базаров**

*Андижон давлат педагогика институти  
“Тасвирий санъат ва Мусиқа таълим”  
йўналиши ўқитувчиси*

**Аннотация:** *Мазкур мақола “Композитор ва мохир ижрочи Валерий Сапаров ижодидида талқин масаласи” мавзусида бўлиб, унда композиторнинг яратган асарлари, унда эстрада-жаз оханглари ифода этадиган ранг-баранг бўёқларга назар ташлаш, асарларини мусиқий таҳлил қилиш, жаз жанрининг ўзига хос жиҳатларини ёритиш, баён қилинаётган мавзунинг мазмун-моҳиятини турли хил усуллар билан ифода этиш, шунингдек композитор асарларида жаз услубининг хусусиятларини ўрганишидан иборатдир.*

**Калит сўзлар:** *Ўзбек мусиқаси, Композитор, Мусиқа, Санъат, Мусиқий асар, Чолғу ижрочилиги, Мусиқий шакл, Мавзуйлик, Ижод*

Ўзбекистонда эстрада санъати ривожланишида буюк ижодкор, атоқли композитор, мохир ижрочи, педагог Валерий Сапаров Ибрагимовичнинг ўрни бекиёс.

Валерий Ибрагимович Сапаров 1947 – йил 26 – августда Туркменистоннинг Мари шаҳрида мусиқачилар оиласида таваллуд топган. У 6 ёшидан умумтаълим мактабида ва бир вақтда мусиқа мактабининг фортепиано синфида таҳсил ола бошлаган. Валерий Сапаровнинг болалигидан мусиқага бўлган қизиқиши юқори бўлганлиги боис, 1961 – йил Д. Аvezов номидаги Туркменистон давлат мусиқа билим юртининг фортепиано синфида ўқишга қабул қилинади. Бу ерда мохир ижрочи, педагог Виктор Григорьевич Хирунцев синфида таълим олади. 1966 – йил ўқув юртини тамомлаб, мусиқа мактабида ўқитувчи ва жўрнавот лавозимларида фаолият юрита бошлайди.

1967-йил Валерий Сапаров Тошкентга келади ва Тошкент давлат консерваториясига фортепиано мутахассислиги бўйича ўқишга қабул қилинади. Бу ҳолат ижодкорнинг хаёти ва ижодий қарашларини Тошкент билан боғлашга қўйилган илк қадам бўлиб хизмат қилади. Бу ерда доцент Ю. А. Кензер синфида таҳсил олади ва 1973-йилда фортепиано ижрочилиги мутахассислиги бўйича ўқишни муваффақиятли тамомлайди.

Шу йиллар мобайнида Валерий Сапаров Қибрай болалар мусиқа ва санъат мактабида ўқувчиларга фортепианодан сабоқ беради. Ишлаб юрган кезлари мусиқа басталаш, янги асарлар яратишга қизиқади. 1979-йил В. Сапаров композиторлик сирасорларини пухта ўрганиш, билимларни пухта эгаллаш мақсадида иккинчи маротаба М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси Бастакорлик бўлимига ўқишга киради. Бу ерда таниқли ўзбек композитори, педагог Тўлқин Қурбонов синфида таҳсил олади. 1983 – йил олий ўқув даргоҳини битирув имтиҳонига симфоник оркестр учун ёзилган “Тарих саҳифалари” симфониясини диплом иши

сифатида ҳавола этиб, муваффақиятли тамомлайди. Айтиш мумкинки, Валерий Сапаров ўқиш даврида нафақат классик жанрларда асарлар яратган, балки, эстрада ижрочилик ва қўшиқчилик йўлларида ҳам унумли ижод қилган.

Ушбу ишимизда композиторлик ижодиётида кечадиган жараёнлар, муаммо ва унинг ечимлари, айнан қаҳрамонимиз ижодида кузатилиши мумкин бўлган жараёнлар ҳақида ҳам фикрлаб кўрсак. Ижодкорнинг мустақил ижодий тафаккури шахсий, инсоний қирралари етукликка етиб, аслан шаклланади. Баркамол, ўз фикри ва характерига эга ижодкор, композитор – мустақил тафаккур ва муваффақият эгасидир. Муаллифнинг мустақил тафаккури унинг асарларида мунтазам қўллайдиган ижодий услубида намоён бўлади. Эстрада йўналишига хос ритмлар, йўналишлар, (свинг, босса-нова, жаз, кул-жаз), ёхуд уч товушлик, миллий ладлар ва унга хос оҳангдошлар, диатоник лад, кластер, орттирилган интервал, мураккаб аккордларга ижод жараёнида қайта-қайта мурожаат этиш композиторнинг ёзув услубига ўзига хослик ва илҳом бағишлайди. Мусиқий асар ёзиш жараёни мураккаб ва қизикарли бўлиб, бунда ғоя яъни мавзу (куй матни) муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. Асар яратилишидан аввал ғоя – ёзма ёки оғзаки фикрлар орқали баён этилади. Ғоя турли вазият, шароит ва вақтда тўсатдан юзага келиши мумкин. Айрим ҳолларда эса, асар ғояси бир неча йиллар давомида композитор фикри-ҳаёлини банд этади. Мавзу, фикр, мусиқий матннинг қоғозга кўчириш жараёни жуда мураккаблиги сабаб унинг ҳаётий давомийлиги ноаниқ бўлади. Натижа албатта ғоя ва унинг ижросига боғлиқ. Қаҳрамонимиз Валерий Сапаров ижодида эса бундай эътирофга кўплаб асарлари муваффақ бўлган. Унинг фаолияти давомида ёзган асарлари доимо радиода, концерт дастурларида, мусиқали комедия театри, кўғирчоқ театрларида ижро этиб келинмоқда.

Айтиш мумкинки, Валерий Сапаров ижодининг илк давридан нафақат классик жанрларда асарлар яратган, балки, эстрада ижрочилик ва қўшиқчилик йўлларида ҳам унумли ижод қилган. Ижодкорнинг хотираларида устозларининг кўпроқ жиддий жанрларда ёзиш кераклиги ҳақида берилган танбеҳлари ёш талабани ўша йиллари эстрада жанрига янада яқинлаштирган бўлса муболаға эмас. Натижада ижодкор шу кунгача юздан зиёд эстрада қўшиқлари, эстрада оркестри учун, болалар учун, мусиқали комедия театри ва камер чолғу ансамбллари учун талайгина асарлар ёзди.

Валерий Сапаров талабалик давридан бошлаб чолғу ва вокал мусиқасининг турли жанрларида талайгина асарлар яратди. Булардан 1980 – йилда яратилган флейта, торли чолғулар, фортепиано ва урма зарбли чолғулар учун “Концертино”си, 1981 – йил яратилган фортепиано ва симфоник оркестр учун Концерт, 1985-йилда ёзилган 6 та труба, 2 та фортепиано, торли чолғулар ва урма зарбли чолғулар учун “Байрам тантанаси”, 1986-йил фагот ва симфоник оркестр учун “Концерт”и, 1987-йили флейта ва симфоник оркестр учун “Концерт”и, 1997-йил 4 та саксафон ва симфоник оркестр учун “Каприччио” каби мазмундор асарларнинг хар бири лирик ва драматик ҳолатларни ифода этганлиги билан ажралиб туради. Уларнинг маҳорати ўсаётганидан ва муаллиф ўз ижодий услубини топа олганидан далолат беради.

Ижодкор камер чолғу жанрида ҳам сермахсул ижод қилиб, кўплаб асарлар яратган. Булардан: камер оркестр учун “Прелюдия ва фуга”, 1981 – йил Америкалик машхур композитор Джорж Гершвин хотирасига бағишлаб “Регтайм”, 1984 – йил

иккита саксафон альт ва камер оркестри учун ўзбек халқ “Қилпиллама” лапар ва “Гўзал ёр” кўшиғи асосида пьеса, эстрада-симфоник оркестри учун “Аяжон” эстрада попурици ва бошқалар ғрин олган.

Валерий Сапаров нафақат эстрада жанрида балки, академик жанрларда ҳам кўпгина асарлар яратган. Унинг Ғ. Гулом нашриётида чоп этилган “Ёш пианиночи” асарлар тўпламидан жой олган иккита фортепиано учун “Вальс-скерцо”, уч қисмли “Прелюд” сюитаси, “Юмореска”, бешта прелюдия, уч қисмли сонатина, еттита кичик пьеса-вариация, рақс ва токката, учта пьеса: Токкато, Юмореска, Рондо-рақс асарлари ёш ижрочилар малакасини ошириш учун хизмат қилиб келмоқда. Шу нашриётда 1981 – йилда чоп этилган фортепиано учун бешта енгил пьеса, 10 та 2 ва 3 овозли полифоник услубда ёзилган пьесалардан 4 таси юқоридаги тўпламга киритилган. Д. Шостакович хотирасига бағишланган уч қисмли соната, скрипка ва фортепиано учун учта пьеса: Прелюдия, Вальс, Рақс, виолончел учун соната, гобой учун “Куй”, фагот ва фортепиано учун “Юмореска”, вибратон ва фортепиано учун “Импровизация ва Аллегро”, кларнет ва фортепиано учун учта прелюдия, торли кваттет учун сюита, флейта, виолончел ва фортепиано учун вариациялар, флейта ва фортепиано учун “Токката” ва “Пасторал”, брасс-квинтет учун учта пьеса, тенор-саксафон ва фортепиано учун концерт вальси ва бошқалар ижодкорнинг бу соҳада сермахсул ижод қилганлигини яққол намунаси бўлиб хизмат қилади.

Валерий Сапаров республика кўғирчоқ театри учун мусиқа басталашга ҳам муҳим эътибор қаратди. 1984-йил “Куёш менинг дўстим”, 1987-йил “Пахтаой” опера-эртаклари, ёзувчи О. Генри ҳикояси асосида В. Борисов либреттоси билан “Қариндошлик қалб” спектакли, Челябинск шахри кўғирчоқ театри учун 1991-йилда ёзилган “Оловуддиннинг сеҳрли шамчироғи” спектакллари ҳозиргача кўғирчоқ театрларининг репертуарларидан жой олиб келмоқда.

Серғайрат композитор шу кунга қадар юздан ошиқ эстрада кўшиқлари яратди. Улар орасида “Севинчли номлар”, “Элегия”, “Мухаббат хотираси”, “Ватаним куйлари”, “Карусель”, “Мехнат ва тинчлик учун”, “Ўзбекистон меҳмонлар кутмоқда”, “Биз дунё ёшлари”, “Қайтиб келиш”, “Христофор Колумб”, “Берёзалар ялтирайди”, “Ҳаммаси биз учун”, “Бола юраги” балладаси, “Бу шахарни мен қураман”, “Истардим” кўшиқлари ёш эстрада хонандалари репертуарларидан жой олиб келмоқда.

Ўзбекистон эстрада санъатининг устунларидан ҳисобланган композитор Валерий Сапаровнинг ижодий бисоти 100 дан ортиқ куй-кўшиқларни қамраб олади. Турли жанрларда ижод қиладиган композиторнинг асарлари орасида айнан жаз жанрига мурожаати кўплаб асарларида намоён бўлади. Композиторнинг жаз услубидаги асарлари орасида яққалон ва эстрада-симфоник оркестри учун С Капутикян сўзи билан ёзилган “Лирик монолог” туркуми, Баритон, труба, иккита фортепиано ва урма чолғулар учун “Атомлар манзараси”, 1984-йилда ёзилган Н. Фарходий сўзига “Асрлар овози” номли рок-ораторияси, эркаклар хор жамоаси ва симфоник оркестр учун “Туркистонликман” кантатаси етарли даражада муҳлисларига эга десак муболаға эмас.

Ҳозирги кунда жанрларнинг кўп эканлиги эстрада санъатига ёшлар орасида қизиқишнинг тобора авж олишини билдиради. Турли-туман гуруҳлар пайдо бўлиши ёш мустақил Ўзбекистонимизнинг номини жаҳон миқёсида элга танитиб, обрўсини

оширмоқда. Сўнгги даврдаги эстрада ижрочиликлари санъати ривожига назар солсак, қисқа давр ичида Ўзбекистонда кўплаб эстрада созандалари эл орасидан отилиб чиқди. Ўзбекистон эстрада санъати ривожланишида жуда катта хизмат кўрсатиб келаётган, эл олқишига сазовор бўлган, “Дўстлик” ордени соҳиби Валерий Ибрагимович Сапаров бир неча йил давомида Ўзбекистон давлат консерваториясининг Эстрада ижрочилиги кафедрасида катта муваффақият билан тинмай ижод қилиб, ёш талаба ижрочиларга ўз билимларини бериб келмоқда.

Композитор Валерий Сапаров ижодини таҳлил қиладиган бўлсак, ижодкор эстрада мусиқаси билан бир вақтда академик услубда ҳам серқирра ижод қила олган. Қуйида келтирилган композитор асарларидан танлаб олинган нота мисоллари бунга яққол далил бўлади.

**ТРИО № 2**  
для кларнета, контрабаса и фортепиано

Валерий САПАРОВ

**ПРЕЛЮДИЯ**

Ушбу асарнинг шакли, тузилиши классик кўринишда ёзилган. Лекин композитор тузган ансамбль ижроси давомида жаз жанрига хос бўлган кўринишларни кузатишимиз мумкин.

VS-composer.narod.ru

**РЭГТАЙМ**  
для камерного оркестра  
(Воспоминание о Л.ж. Гершвине)

Валерий САПАРОВ

Асар машхур америкалик композитор Жорж Гершвин хотирасига ёзилган. Композитор бу асарида ҳам Эстрада-жаз элементларини академик муסיқа шакли билан бирлаштира олган.

Айнан классик жанрдаги муסיқанинг етакчи кўринишларидан бири хисобланадиган соната шакли ҳам композитор ижодини четлаб ўтмаган.

Композиторнинг Д. Шостакович хотирасига ёзилган сонатаси классик шаклга эга хисоблансада, гармоник тузилишларида замонавий жаз услубларини кузатишимиз мумкин. Сонатанинг уч қисмли туркуми ёрқин куй билан йўғрилган бўлиб, унда муаллифнинг Д. Шостакович шахси буюклигига бўлган эхтироми ифодаланган. В. Сапаров ўз олдида Д. Шостакович муסיқасидан услубий “нусха олиш” каби вазифани қўймайди. Балки у XX асрнинг буюк композиторларидан бирининг муסיқасига бўлган муносабатини изҳор этади. Сонатанинг 3 –қисмида Д. Шостаковичнинг 5-симфониясидан олинган иқтибос ихчам тарзда намоён бўлади.

**"ГЎЗАЛЬ ЁР"**  
пьеса для 2-х альт - саксофонов и камерного оркестра  
на тему узбекской народной мелодии

Валерий САПАРОВ

The musical score for "Guzal' Yur" is for a chamber orchestra. It features two Alto Saxophones (1 and 2), a Daira (a traditional Uzbek string instrument), Violin I and II, Viola, Violoncello, and Contrabass. The tempo is marked "Sostenuto, scerzando" with a metronome marking of quarter note = 72-76. The dynamics are mostly mezzo-forte (mf) and diviso (div.). The score is in 3/8 time and has a key signature of one sharp (F#).

Ушбу асар Валерий Сапаровнинг ижодида алохида ахамиятга эга. Ушбу асарда композитор ўзбек халқ куйи “Гўзал ёр” дан фойдаланган холда саксафонлар, доира ва торли оркестр ижросини бирлаштирган.

**ВЕСЁЛЫЙ КОВБОЙ**  
(кантри)

The musical score for "Весёлый ковбой" (Canter) is for a chamber orchestra. It features Violin I and II, Viola, Violoncello, and Contrabass. The tempo is marked "Allegretto scherzando" with a metronome marking of quarter note = 104-108. The dynamics include forte (f), f marcato, and f leggiero. The score is in 2/4 time and has a key signature of one sharp (F#).

Композиторнинг ушбу асари камер оркестр учун жаз услубида ёзилган бешта пьеса туркумидандир. Туркум “Джазовый альбом” деб номланади.

Ҳозирги кунда ҳам ёши улуг кекса эстрада чолғу ижрочиларимиз XX асрнинг кескин муаммоли вазиятларида эстрада-жаз жанрида беркитиб, ёпиқ жойларда импровизация ва жемсейшинлар ўтказганларини ёдга оладилар. Ўзбекистон эстрада мусиқа санъатида ҳозирги кун назари билан қараганда долзарб ва ўта муаммоли вазифалар устун ва ўзига хос ютуқлар мавжуд. Ўзбекистон Давлат Консерваториясида эстрада ижрочилиги соҳасида илмий тадқиқот ишлари санокли даражада бўлиб бу борада илмий изланишлар вақт ўтган сайин ўз йўлини топмоқда.

Ҳозирги кунда Валерий Ибрагимович Сапаров Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Эстрада чолғу ижрочилиги” бўлимида ёш талабаларга фортепиано ижрочилиги бўйича таълим бериб келмоқда.

Валерий Сапаров 1990-йилда Франциянинг Гавре шаҳрида ўтказилган халқаро композиторлар кўрик-танловида фахрли ўринга сазовор бўлган. Композиторнинг асарлари Франция, Германия, Исроил, Россия, Италия, Арманистон, Туркманистон республикаларида ижро этилган.

Композитор етиштириб чиқараётган талаба-ижрочилар орасида республика кўрик танловларида қатнашиб, юқори ўринларни эгаллаганлар сони талайгина. Устоз ижодкор Валерий Ибрагимович Сапаров юртимиз эстрада санъатининг ривож топишида катта хисса қўшиб келмоқдалар.

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки, XX аср ўрталарида жаҳон мусиқаси ижодиётида эстрада-жаз жанри ривожини юқори поғоналарига кўтарилди. Шу кунга қадар эстрада ижрочилик учун ёзилган, бадиҳагўйлик анъаналарига таянган асарлар ва йирик шаклларга эга бўлган жанрлар орасида жаз, мюзикл каби йирик асарларни шарқ ва ғарб композиторлари ижодида кўплаб учратишимиз мумкин.

Ушбу мақолада устоз ижодкор, композитор Валерий Сапаров ҳаёти ва ижодий йўли ва унинг эстрада-жаз ижрочилиги учун ёзилган асарларининг талқин масаласига бағишланган бўлсада, Европа ва жаҳон мусиқа ижодиётида кузатиладиган эстрада камер чолғу ансамбллар учун яратилган асарларнинг шакл масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Илмий-ижодий нуқтаи назардан ҳар бир жанр тарихи, келиб чиқиш йўллари, умумий шаклини изоҳлаб, унинг кесими доирасидаги жараёнларни, ижодкорлар ва изланувчи олимлар, жанрга доир илмий тамойиллар, турдош жанрлар, ушбу жанрда ижод этган ижрочилар ноталари ва ёзув тасмалари ўрганиб таҳлил қилинди.

Шу кунга қадар композиторнинг эстрада ижрочилиги учун ёзилган ва бадиҳагўйлик анъаналарига амал қилинган асарларини талаба ижрочилар сахналарда ижро этиб келиб ёш талаба ўқувчиларга ўргатиб келишмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. О. Апракцина Методика музыкального воспитания в школе.–М.: 1983. – 124 с.
2. А.П. Парсегова. Анализ музыкальных произведений. Ташкент – “ILM ZIYO” – 2009.
3. М. Умаров “Эстрада ва оммавий томошалар тарихи” Тошкент 2009
4. А.Жабборов “Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари” – Тошкент

5. Лола Абидова “История жаза и современнкх эстраднкх музққальнкх стилей” Тошкент 2007
6. Mirzahid, B. (2022). THE LIFE AND WORK OF THE HONORED ARTIST OF UZBEKISTAN AND KARAKALPAKSTAN, PROFESSOR OTANAZAR MATYOKUBOV AND MUSICOLOGIST SVETLANA MATYOKUBOVA. *Gospodarka i Innowacje.*, 25, 35-38.
7. Абдурахмонова, Дилнозахон Обиджановна (2022). МУСИҚА АНСАМБЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10-2), 510-521.